

**Самарқанд давлат университетида 2021 йилда ўтказилиши  
режалаштирилаётган илмий ва илмий-техник анжуман  
АСОСНОМАСИ**

**1. Анжуманинг мавзуси:** Олий таълим муаммолари ва ижтимоий-гуманитар билимларнинг замонавий анъаналари

**2. Анжуман мақоми:** Республика илмий-амалий анжуман.

**3. Илмий ва илмий техник анжуманини ўтказиш учун асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ёки бошқа манбалар.** Мазкур анжуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2909-сонли Қарори асосида ўтказилади. Анжуман доирасида социология ва ижтимоий иш фанлари ривожининг замонавий ҳолати, эришилган назарий ва амалий ютуқлар муҳокама этилади.

**4. Анжуманинг илмий йўналиши, мақсад ва вазифалари:** анжуманда муҳокама этиладиган маърузаларнинг илмий йўналишлари асосан Ўзбекистонни янги ренессанс босқичида олий таълим муаммолари ва ижтимоий-гуманитар билимларнинг замонавий анъаналари масалаларга қаратилган. Жамият тараққиётини таъминлашда олий таълим ва ижтимоий-гуманитар билим соҳаларини асосий йўналишлари ва истиқболларини, ҳамда имконияти чекланган талабаларни ўқитишнинг замонавий моделларини ишлаб чиқишига асосий эътибор қаратилади

**Мақсади ва вазифалари:** анжуманинг асосий мақсади Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги ислоҳотларнинг маъно-мазмуни, кейинги З йилда эришилган муваффақиятлар, янги Ўзбекистоннинг учинчи Ренессанс босқичида фан ва таълим соҳалари олдида турган вазифалар, олий таълим тизимиға оид тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларини аниқлаб олиш, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга ва ижтимоий ҳаётга жорий этиш масалаларини муҳокама этиш.

Анжуманинг вазифалари қўйидаги соҳалардаги натижаларни муҳокама этиш:

- Жамият ва шахс: гуманитар, ижтимоий-иктисодий ва психологик-педагогик аспектлар;
- Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий модернизацияси шароитида олий таълим. Гуманитар ва педагогик таълим, касбий педагогика;

**5. Муҳокама қилинадиган муаммолар:**

- Фан ва таълим соҳасини ривожи – янги ренессанс босқичининг асосий пойдевори;

- Университетининг таълим соҳасидаги фаолияти субъектлари: алоқа муаммолари (ўзаро тушуниш, ҳамкорлик, низоли вазиятлар); психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш, ёшларни ватанпарварлик ғоялари асосида тарбиялаш;
- Олий таълим жараёнидаги муҳим ўзгаришлар;
- Талабалар шахсини ривожлантириш ва ўзини-ўзи ташкил этиш сифатида талабалар мустақил иши: мустақил ишлаш кўникмалари ва қобилиятлари тизими니 шакллантириш стратегияси.
- Жамият тараққиётини таъминлашда социология ва ижтимоий иш соҳаларини асосий йўналишлари ва истиқболлари.

**6. Ўтказиладиган анжуманинг Давлат илмий-техник дастурлари, халқаро илмий ҳамкорлик дастурлари билан боғлиқлиги.**

**7. Анжуман натижаларидан кутилаётган илмий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик.** Анжуман натижалари анжуман мавзуси бўйича келгусидаги илмий тадқиқотлар йўналишларини аниқлаштириш, мавжуд ижтимоий муаммоларни социологик таҳлил қилиш ҳамда олий таълим талабалари учун дарсларнинг янги авлодини яратишда фойдаланилади.

**8. Илмий анжуманда ёш олимлар, мутахассислар, докторантлар ва магистрларнинг иштирок этиши.** Анжуманда республиканизнинг етакчи социологлари, ижтимоий соҳа муаммоларини илмий тадқиқ этаётган мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва магистрантлар ҳамда бакалавриат босқичи талабаларининг иштироки кўзда тутилган.

**9. Хорижий ҳамкорлар билан келишилганлик тўғрисида розилик хатлари.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда республиканизнинг бошқа олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатилади.

**10. Анжуманинг ўтказишида респубикада мавжуд соҳа ташкилотларнинг иштироки.** Анжуманда Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази Самарқанд минтақавий филиали, Ўзбекистон Миллий университети, Фарғона давлат университети, Бухоро давлат университети, республиканизнинг бошқа олий таълим муассасалари, ташкилотлар ва муассасаларнинг мутахассислари ва бошқаларнинг иштироки кўзда тутилган.

**Илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректор**

**Х.Хушвақтов**